

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ
БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Фарҳоджон Кубаевич Холмаматов

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

fkholtamatov@gmail.com

Аннотация. Банкларда ликвидлиликни бошқариши сиёсати талаб даражасида ишилаб чиқилмаса, банк ресурсларини жалб қилиши ва жойлаштиришдаги эҳтиётсизлик ҳамда уларнинг назоратини амалга оширишдаги мавжуд камчиликлар ликвидлилик рискини келтириб чиқаради. Ликвидлилик рискининг самарали бошқариши тизимининг талаб даражасида эмаслиги навбатдаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Ликвидлилик риски банк томонидан ўз фаолиятини молиялаштиришга ва ўз мажбуриятларини улар юзага келганида банкнинг молиявий барқарорлиги учун йўл қўйиб бўлмайдиган миқдорларда зарар қўрмаган ҳолда бажаришга қодир эмаслиги сифатида белгиланади.

Ликвидлилик риски бўйича барча норматив талабларга риоя этган ҳолда тўлов қобилиягининг тегишли даражасини таъминлаш учун молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг оптималь мутаносиблигига эришиш ликвидлилик рискларини бошқаришнинг мақсади ҳисобланади. Фикримизча, банк мазкур рискларни олдини олиш учун қуидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) банк назорати бўйича маҳаллий ва халқаро регуляторларнинг ликвидлилик риски бўйича барча норматив талаблари бажарилишини таъминлаш;

2) контрагентлар турлари, воситалар, қоплаш муддатлари ва валюталар бўйича жалб этиш ва жойлаштириш манбалари диверсификацияси;

- 3) ҳар бир асосий валютада ликвидлилик тақчиллиги ёки ортиқчалиги юзага келишини олдини олиш ва ёки бартараф этишга йўналтирилган тезкор ва талабга жавоб берадиган таъсирланиш тизимини яратиш;
- 4) банк раҳбариятини ликвидлилик таваккалчиликларини бошқариш соҳасида Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш учун Бошқарув хисоботи тизимини яратиш;
- 5) ликвидлиликнинг етарли даражасини сақлашда мумкин қадар энг юқори даромадлиликка эришиш учун активлар ва пассивлар тузилмасини оптималлаштириш;
- 6) ликвидлилик таваккалчиликларини стресс-тестдан ўтказиш тизимини ташкил этиш;
- 7) кутилмаган вазиятлар юзага келадиган ҳолатга молиялаштириш режасини тузиш ва иш ҳолатида сақлаш.

Ликвидлилик рискини қўйидаги кичик тоифаларга бўлиб таҳлил қилиш ликвидлилик риски бўйича тўлиқ ва аниқ маълумотларни ҳамда натижаларни беради:

- 1) норматив ликвидлилик риски – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари бузилиши риски ёки ликвидлилик риски қисмида маблағларни жалб этиш шартномалари бўйича номутаносиблик;
- 2) жисмоний ликвидлилик риски – ҳар қандай валютадаги мажбуриятларни ушбу валюта танқислиги сабабли бажармаслик риски;
- 3) таркибий ликвидлилик риски – активлар ва мажбуриятлар таркибида жисмоний ёки норматив ликвидлилик риски амалга ошишига сабаб бўлиши мумкин бўлган сезиларли номутаносибликтининг юзага келиши.

Потенциал норматив ликвидлилик рискини идентификация қилишнинг асосий мезонлари қўйидагилар бўлиши керак:

банк тизими назорат органллари томонидан ликвидлиликка қўйилган талаблар даражаси;

жалб этиш шартномалари ликвидлилиги бўйича меъёр даражаси;

жалб этиш ва жойлаштириш шартномалари бўйича режали пул маблағлари оқими;

банкнинг балансдан ташқари мажбуриятлари ҳажми.

Потенциал жисмоний ликвидлилик рискларини идентификация қилишда қўйидагилар инобатга олиниши лозим:

кассалардаги нақд пул маблағлари қолдиги;

корреспондент ҳисобвараглардаги пул маблағлари қолдиги;

банк мижозлари пассив базасининг барқарорлиги;

жалб этиш ва жойлаштириш шартномалари бўйича режали пул маблағлари оқими;

Банкнинг баланс ва балансдан ташқари мажбуриятлари.

Потенциал таркибий ликвидлилик рискларини ҳисоблашда қўйидаги кўрсаткичларга эътибор бериш тавсия этилади:

мижозлар, муддатлар, молиявий воситалар, валюталар бўйича активларни тақсимлаш;

мижозлар, муддатлар, молиявий воситалар, валюталар бўйича пассивларни тақсимлаш.

Таваккалчиликлар умумий реестрига киритилган барча потенциал ликвидлилик рискларини улар юзага келиш эҳтимоли даражаси ҳамда юзага келганда банкка келтириши мумкин бўлган зарар даражаси бўйича баҳоланади.

Ликвидлилик рискларини юзага келиши эҳтимоли қўйидаги градация бўйича баҳолашни тавсия қиласиз:

- 1) Жуда паст;
- 2) Паст;
- 3) Ўрта;
- 4) Юқори;
- 5) Жуда юқори.

Шунингдек, ликвидлилик рискларини юзага келтириши мумкин бўлган зарар даражаси қўйидаги градация бўйича баҳоланиши мақсаддага мувофиқ:

- 1) Аҳамиятсиз;
- 2) Паст;
- 3) Ўрта;
- 4) Аҳамиятли;
- 5) Жиддий.

Зарар юзага келиши эҳтимоли ва даражасини баҳолашдан келиб чиқкан ҳолда, ликвидлилик риски аҳамияти даражасини қуидагича бўлишини тавсия этамиз:

1-жадвал.

Ликвидлилик рисклари таснифи¹

1-даража (ПАСТ)	2-даража (ЎРТА)	3-даража (дефолт ёқасида) (ЮҚОРИ)
ЮЛА > 12%	12% => ЮЛА > 10%	ЮЛА < =10%
LCR > 110%	110% => LCR > 100%	LCR < =100%
NSFR > 105%	105% => NSFR > 100%	NSFR < =100%

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланиб таклиф қилишимиз мумкинки, ликвидлилик рискларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуси 12 фоиздан юқори бўлганда 1-даража (паст), 10-12 фоиз бўлганда 2-даража (ўрта) ва 10 фоиздан паст бўлганда 3-даража (дефолт ёқасида) сифатида мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банкларда ликвидлилик рискларини бошқариш усуулларини такомиллаштириш бугунги кундаги асосий муаммолардан бирига айланмоқда.

Банк томонидан қўлланиладиган ликвидлилик рискларини бошқаришга

¹ Муаллиф ишланмаси
www.pedagoglar.org

бўлган ёндашув қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- 1) лимитлар ва чекловлар тизими;
- 2) жалб этиш ва жойлаштириш манбалари диверсификацияси;
- 3) ликвидлилик таваккалчилиги тўғрисида олдиндан огоҳлантириш индикаторлари тизими.

Лимитлар ва чекловлар тизими ликвидлилик риски назоратини амалга ошириш мақсадида Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ликвидлилик рискларининг рухсат этилган даражаси доирасида ликвидлилик рискларини чекловчи Бошқарув томонидан тасдиқланадиган операцион лимитлар тизимини қўллайди. Ликвидлилик рисклари бўйича операцион лимитлар зарур бўлганда қўйидаги зоналарга ажратилиши мумкин:

- 1) “сариқ” зона операцион лимитлари;
- 2) “қизил” зона операцион лимитлари.

Ликвидлилик рискига операцион лимитларни белгилашда Банк томонидан қўйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- 1) банк рискларини бошқариш сиёсати ва риск-аппетити;
- 2) банкнинг ривожланиш стратегияси;
- 3) баланснинг жорий тузилмаси;
- 4) фондлаш манбаларининг жорий концентрацияси;
- 5) пул бозорларидаги шарт-шароитлар, шу жумладан бозорлардаги чуқурлик ва ликвидлилик ҳамда фоиз ставкалари даражаси;
- 6) кредит портфели сифати, шунингдек, қарз олувчиларнинг ўз мажбуриятларини стресс шароитларда, шу жумладан фоиз ставкалари ва валюта курслари салбий ўзгарган ҳолатларда қоплаш қобилияти;
- 7) Банкнинг маблағларни валюта бозорларидан жалб қилиш ҳамда ортиқча ликвидлиликни бир валютадан бошқасига айирбошлиш қобилияти;
- 8) пассив база барқарорлиги, яъни депозитларнинг, шу жумладан, стресс шароитларда барқарорлиги;
- 9) мавжуд фондлашнинг жорий ҳажми.

Ликвидлилик рискларини самарали бошқаришнинг кейинги усули

диверсификация ҳисобланади. Диверсификация турли манбалардан фондлашни жалб этиш ёки ликвидлилик концентрацияси рискларини пасайтириш учун маблағларни турли молиявий воситаларга жойлаштириш ҳисобланади.

Фикримизча, жалб этиш ва жойлаштириш манбалари диверсификациясининг оптималь даражасини аниқлаш учун банк томонидан куйидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим:

- 1) муддатлилик профили ва активлар (ёки мажбуриятлар)нинг турли ўзгаришларга таъсирчанлиги;
- 2) географик жойлашуви ва қарз олувчилар ёки депозиторларнинг иқтисодиётнинг алоҳида секторига тегишли эканлиги;
- 3) жалб этиш ва жойлаштириш манбалари валютаси;
- 4) банкнинг пул бозорларига ва капитал бозорларига кира олиш имконияти;
- 5) банкнинг танланган бозорларда ўз иштирокини кенгайтириш имконияти;
- 6) бир депозитор ёки бир-бирига дахлдор депозиторлар гуруҳига боғлиқ бўлиш даражаси.

Потенциал ликвидлилик рискларини ўз вақтида аниқлаш учун банк томонидан ликвидлилик риски тўғрисида олдиндан огоҳлантириш индикаторлари тизими ишлаб чиқилиши лозим. Ликвидлилик риски тўғрисида олдиндан огоҳлантириш индикаторлари орқали банк ликвидлилигига нисбатан ҳар қандай салбий тенденциялар аниқланаш имконияти пайдо бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Банковские риски // под ред. Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Прав. РФ. -2-е изд. – М.: “КноРус”, 2008. – 132 с.;

2. Жарковская Е.П. Банковское дело:учебник.–Москва:“Омега-Л”, 2006–152с;
3. Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.:КНОРУС, 2016.–С.131-140
4. Шальпанов П.А. Управление ликвидностью: механизм прогноза денежных потоков банка. // Банковское дело. -2014.-№9. -56-60 стр.
5. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.
6. Бозоров Р.Х. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари. // “UzBridge” электрон журнали. – 2019. -№2. -82-90 стр.
7. Uralovich, K. S., Toshmamatovich, T. U., Kubayevich, K. F., Sapaev, I. B., Saylaubaevna, S. S., Beknazarova, Z. F., & Khurramov, A. (2023). A primary factor in sustainable development and environmental sustainability is environmental education. Caspian Journal of Environmental Sciences, 21(4), 965-975. DOI: 10.22124/CJES.2023.7155
8. Холматов, Ф. К. (2021). РЕСПУБЛИКАМИЗ БАНК ТИЗИМИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Scientific progress, 2(2), 488-495.
9. Kholmamatov, F., Khannaev, S., & Ruzimoratov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through "Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).
10. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.
11. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World

Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

12. Kholmamatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>

13. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

14. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>

15. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>

16. www.cbu.uz- Official website of the Central Bank of Uzbekistan